

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарори. 2018 йил 19 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1013-сон қарори. 2018 йил 14 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарори. 2015 йил 28 июль.
5. Тожибоева Ш.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.
6. Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности. Практикум. –М.: Дело и сервис, 2018.
7. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. –Т.: Sano-standart, 2017.
8. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Print line group, 2017.
9. Басовский Л.Е. Басовская Е.Н. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. –М.: Инфра-М, 2014.
10. Шоғиёсов Т. Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик -Т.: Фан ва технология, 2012.
11. Tadjibayeva Sh., Xamidova S. Main Aspect of the Analysis of Business Activity in The Conditions of Economic Development. International Journal of Research in Management & Business Studies, Vol. 8 Issue 10. India. 2019.

## ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОСЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Ибрагимова Ирода Рашид қизи**  
Тошкент давлат иқтисодиёт универститети  
докторанти

**Аннотация:** Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантириш босқичлари ва уларни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кетма-кетлиги жараёнлари ўз ифодасини топган, шунингдек, ушбу жараёнларни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** интеграция, халқаро стандарт, ҳисоб тизими, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ҳисобот, трансформация.

## ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИВЕДЕНИЯ СИСТЕМЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В УЗБЕКИСТАНЕ В СООТВЕТСТВИЕ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ

**Ибрагимова Ирода Рашид қизи** -  
докторант Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация:** Отражены этапы формирования системы бухгалтерского учета в Узбекистане и последовательность работ по их адаптации к международным стандартам, а также практические предложения по совершенствованию этих процессов.

**Ключевые слова:** интеграция, международный стандарт, система бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности, отчетность, трансформация.

## PROSPECTS OF ADAPTATION OF ACCOUNTING SYSTEM IN UZBEKISTAN TO INTERNATIONAL ACCOUNTING STANDARDS

**Ibragimova Irada Rashid kizi** -  
doctoral student of the Tashkent State University of Economics

**Annotation:** The stages of the formation of the accounting system in Uzbekistan and the processes of the sequence of work carried out to adapt them to international standards are expressed, as well as the improvement of these processes practical suggestions are given.

**Keywords:** integration, international standard, accounting system, international financial reporting standards, reporting, transformation.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси жараёнида бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимига мос келадиган ҳисоб тизими асосида ташкил этилиши натижасида молиявий ҳисоботларни кўрсаткичлари ва уларни тақдим этиш тизимида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар юзага келди.

Ҳозирда жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда сифат жиҳатидан янги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тизими шакллантирилиб, унда субъектлар замонавий бухгалтерия ҳисоби операцияларини бажариб келмоқда. Компания ва фирмаларнинг операцияларини бухгалтерия

ҳисобида акс эттириш ҳам халқаро стандартларга жавоб берадиган тарзда олиб бориш учун молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари асосида ташкил этиш, ҳисоб тизимини халқаро амалиётда қабул қилинган тизимга мослаш, бухгалтерия ҳисобининг асоси бўлган ҳисобва-рақлар режаси ишлаб чиқилиб амалиётга тад-биқ этилиши ҳисоб тизимини халқаро амалиёт-га мос равишда юритиш имкониятини яратади.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этил-моқда, булар субъектларнинг ўзига хос хусуси-ятларини ҳисобга олади. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кен-гайтириши бухгалтерия ҳисоби миллий стан-дартларининг жаҳон амалиётида қабул қилин-ган услубий тамойиллар билан бирлигини, мил-лий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ана шундай кўрсаткичлар билан мувофиқлашу-вини талаб этмоқда. Республикадаги бухгалте-рия ҳисобини халқаро ҳисоб стандартлари талабларига мувофиқ ташкил этиш ва юритиш, шунингдек, иқтисодиёти ривожланган давлат-ларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тизи-ми учун зарур бўлган энг асосий тамойилла-рини республикамиз хўжалик субъектларида жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби тизими Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан буён ислоҳ қилиниб, такомиллаш-тирилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, бухгалтерия ҳисобини юритишда ислоҳотлар амалга оширила бошлади. Бу борада Ўзбекистон Республикасида “Бухгалтерия ҳисоби тўғриси-да”ги Қонуни қабул қилиниши энг муҳим қа-дамлардан бири бўлди.

Айрим мутахассислар фикрича, акциядор-лик жамиятларининг фаолиятини рейтинг асо-сида баҳолашда - бу турли кредит ташкилотла-рини молиявий кўрсаткичлари асосида баҳо-лашнинг таққослама тизимидир [1]. Ана шундай таққослама тизим бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳисобланади. Масалан ривожланаётган давлатларда банкларнинг энг муҳим кўрсаткичи бу кредит ишончилиги ҳи-собланади. Банк рейтинги юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унинг асосий молиявий кўрсат-кичлари асосида, ёки қисқача баланси асосида тузилади. Бизнинг фикримизча, хўжалик юри-тувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари-ни халқаро стандартлар асосида тузилиши уларнинг молиявий ҳисоботларини чет эллик инвесторлар томонидан ўқиши ва тушуна оли-ши имконияти яратилади. Натижада акциядор-

лик жамиятларининг акцияларини фонд бозо-рида жойлаштириш ва унинг котировкасини тўғри белгилаш имконияти яратилади.

Ушбу масалада жаҳон иқтисодий тизими-га интеграциялашувида молиявий ҳисоботлар-нинг халқаро стандартларини ўрнини белги-лашда муҳимлигини Россиялик иқтисодчи-олим Л.Б.Трофимованинг таъкидлашича, “Жаҳонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар-нинг натижасида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиши учун шарт-шароит яратилиши, Россия давлатидаги йирик бизнеснинг жаҳон иқтисодий тизимига инте-грациялашуви натижасида тақдим этилаётган молиявий ҳисоботларни бизнес вакиллари тушунадиган шаклда тақдим этишни доимий равишда такомиллаштириб, уни молиявий ҳи-соботнинг халқаро стандартларига мослашти-риб боришни заруриятини келтириб чиқара-ди” [2]. Демак Россиядаги бизнес вакиллари хал-қаро даражага чиқишида албатта молиявий ҳисоботларини халқаро стандарт асосида тақ-дим этиш талаби қўйилмоқда ва натижада ком-панияларнинг фаолиятини халқаро стандарт-лар асосида юритиш мажбурлигини тақоза қилади.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси-да бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот амалиётини янада такомиллаштириш учун иқтисодчи-олим Б. Маматов томонидан билди-рилган фикр бўйича эса “Хозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби мамлакатимиз амалиётини янада такомиллаштиришнинг асосий ғояси – молиявий ҳисоботни халқаро стандартларида ўрнатилган тамойилларга ва талабларга яқин-лаштириш тенденциясига асосланади” деб таъ-кидлайди [3].

Бундан ташқари Ўзбекистонни жаҳонга интеграциясини ривожланиши ва молиявий ҳисоботларни умумқабул қилинган шаклда тақдим этиш жараёнида проф. З.Н.Қурбанов ва А.Акрамовларнинг фикрича “Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молия-вий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республи-камизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади”[4]. Юқорида билдирилган фикрлардан шуни айтиш мумкинки, бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талаблари, уни ташкил этиш, юритиш ва молия-вий ҳисоботни тузишга доир махсус талабларни бажаришни белгилаб беради. Ушбу масала акциядорлик жамиятида янада муҳим аҳамият-га эгаллиги ва уларнинг акцияларини жаҳон фонд биржаларига жойлаштирилиши учун бе-

риладиган ахборот ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мослаб тақдим этишнинг заруриятини келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш усулларининг самарадорлиги, албатта, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўйилган рейтинг натижаларига мувофиқ қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши йўллари орқали ифода этилади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимини таҳлил қилиш жараёнида энг аввало турли давлатларда ташкил этилган ҳисоб тизимини таҳлил қилишимиз лозим. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаштириш, айниқса компания ва фирмалар молиявий қўрсаткичларига баҳо беришда ва уларнинг халқаро миқёсда ҳаракат қилишида ва муҳим аҳамият касб этади.

1983 йилдан Халқаро бухгалтерлар федерациясига аъзо бўлган ҳамма бухгалтерлар касбий ташкилотлари ХМҲСК га ҳам аъзо бўлишди. 1983 йилдан 2001 йилга қадар МҲХСК таркибига Бухгалтерлар Халқаро Федерациясига аъзо бўлган барча бухгалтер ва аудиторлар МҲХСКга 2 миллион бухгалтернинг вакили ҳисобланган 112 мамлакатнинг 153 аъзоси кирган [5].

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақоланинг методологиясида таҳлил ва синтез, илмий абстракция, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий, назарий талқин усулларидан фойдаланилди. Ушбу мақолада асосан илмий асосларини ёритиб бериш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва меъёрий ҳужжатлар, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий нашрлардаги тадқиқотларидан олинган маълумотлардан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бутун жаҳонда молиявий ҳисобот стандартларининг яқинлашишида, келишувида ва янада яхшиланишида муҳим роль ўйнади. Улардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- кўпчилик мамлакатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлиб хизмат қилиш;

- ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида ишлатилиши (саноати ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда энди ривожланиб бораётган бозорлар учун;

- фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни МҲХСларига мос равишда тузилишини талаб қилган ҳолларда;

- МҲХС талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компаниялар сони ортганлиги туфайли фойдаланилиши.

Юқоридагилар туфайли МҲХС бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто баъзи мамлакатлар МҲХСни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини кўриб чиқадиغان бўлсак, энг аввало “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун” (янги таҳрири) ни мисол келтиришимиз мумкин. Шу жумладан ушбу қонунда 10-моддаси “Бухгалтерия ҳисоби стандартлари” деб номланиб, унда Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талабларни белгилайди. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир махсус талабларни белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллаши мумкин” [6]. Ушбу модданинг хусусияти шундаки, унда халқаро стандартлар масалаларига алоҳида эътибор берилиб халқаро ҳисоб тизи-мига ўтиш масаласи кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимига ўтиш масаласи дастлаб Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб юритиш ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури тўғрисида»ги 433-қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб юритиш ва статистика тизимининг халқаро амалиётида қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш бўйича давлат дастури” асосида халқаро тизимга ўтиш бўйича ишлар амалга оширилди [7]. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва ҳисоб тизимини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шу жумладан жами 24 та Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва 1 та “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли стандарт ҳам қабул қилинди [8]. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш мулкчиликнинг хусусияти ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига боғлиқ ҳолда қуйидаги 3 хил тартибга асосан ташкил қилинади:

1. Хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи субъектлар бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш (корпоратив бухгалтерия ҳисоби);

2. Банклар фаолиятида бухгалтерия ҳисоби (марказий банк ва тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби);

3. Бюджет тизимида бухгалтерия ҳисоби (бюджет ташкилотларида, ғазначилик тизими ва молия тизимида бухгалтерия ҳисоби).

Корпоратив бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бунда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти БҲМС №21 “Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси” асосида ташкил қилинади ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади [9].

Корхона маъмурияти учун ҳисоботлардан фойдаланишдаги асосий манфаат ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият самарадорлигини аниқлаш ва шунингдек бошқарув ва молиявий қарорлар қабул қилишни иқтисодий асослаш ҳисобланади. Маъмурият учун асосий ахборотлар манбаи сифатида корхонанинг ички ҳисоботлари ва молиявий ҳисоботлар тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига асосланиб ташкил қилинади.

Акциядорлик жамиятларнинг хусусиятини ҳисобга олиб, қандай вазифада юритилишидан қаътий назар бухгалтерия ҳисобини ва назоратини юритувчи ва ташкил этувчи шахс тўлиқ «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)да кўрсатилган ҳуқуқ ва вазифаларни бажаради. Корхона фаолияти тўғрисида белгиланган муддатларда ҳисоботларни тузиб, таъсисчилар тегишли ташкилотларга тақдим этиб туради. Бухгалтерия кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш, ташкил қилиш ва моддий, меҳнат, ҳамда молиявий ресурслардан тежамли унумли фойдаланиш мулкнинг бутлиги устидан назоратни таъминлайди.

Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимининг тўлақонли фаол аъзосига тобора айлана борган сари, халқаро амалиётнинг мамлакатдаги бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига таъсири ошмоқда. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг асосий тенденцияларини белгилаш мамлакатда бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимини ривожлантириш йўналишларини прогноз қилиш ва унга нисбатан баъзи талаблар қўйиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисо-

диётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21-ноябрдаги ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида иқтисодиётда рақамли секторни ривожлантириш, электрон хужжатлар айланиши тизимларини жорий этиш, электрон тўловларни ривожлантириш, электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ахборот-технологик платформаларнинг янги моделларини яратиш зарурати ва бажариш вазифаси келтириб ўтилган[10].

Айниқса молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтиш бўйича кейинги йилларда шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 сон 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида шундай таъкидлаб ўтилган:

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киририлган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади [11]. Демак акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тақдим этади.

Ҳозирги вақтда бутундунё ҳамжамиятига аъзо блган давлатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини таҳлил қилиш натижасида трансмиллий компанияларнинг кўп йиллик тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) асос қилиб бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш давр талаби ҳисобланади. Шу сабабли кўпчилик давлатларда бухгалтерия ҳисобининг асоси МҲХСларини



қўллаган ҳолда халқаро ҳисоб тизимидан фойдаланиш ҳисобланади.

Масалан ушбу масалада Буюк Британияда ташкил этилган ҳисоб тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, унда ҳисоб тизими бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари (Generally Accepted Accounting Practice) «GAAP-UK» асосида ташкил этилганлигини кўришимиз мумкин. Бунда Буюк Британиядаги Менежмент Бухгалтерия ҳисоби Чартер институти (СІМА) томонидан тайёрланган махсус атамаларда бухгалтерия ҳисоби бу пулда ўлчанадиган операцияларни қамраб олиши эътироф этилган[12]. Демак, бухгалтерия ҳисоби:

- пулда ўлчанадиган битимларни таснифлаш ва ёзувини амалга ошириш;

- давр мобайнида ушбу битимларнинг ба- жарилган ишлар ва белгиланган санада молиявий ҳолатни баҳолашдаги таъсири натижаларини презентация ва интерпретация қилиш;

- фаолиятнинг режали курси муқобиларидан келиб чиқиб, келгуси фаолиятга оид пуллик лойиҳаларини тузиш тизимидир.

Бугунги кунда дунё миқёсида фаолият кўрсатаётган бухгалтерия ҳисоби тизимини асосан тўртта моделга ажратиб ўрганишимиз мумкин:

- Британ-америка модели;
- Континенталь модел;
- Жанубий-америка модели;
- Ислон модели.

**Жадвал**

**Бухгалтерия ҳисобини юритувчи мамлакатларнинг моделларга ихтисослашуви [13]**

Моделлар номи	Мамлакатлар
Британ-Америка модели	Буюк Британия, Голландия, АҚШ, Канада
Континентал модели	Европа ва МДХ
Жанубий Америка модели	Лотин Америкаси давлатлари
Ислон модели	Туркия, Малайзия, Саудия Арабистони, Миср, Кувейт..

Ушбу моделларни ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уни ташкил қилиниши бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосини билдиради ва шу асосда бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳисоб тизимини турли вариантларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ҳисоб тизимини жорий қилишда энг аввало акциядорлик жамиятлари фаолиятида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритиш, уни халқаро ҳисоб тизимига мослаб ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки у акциядорлик жамиятлари акциялари фонд биржалари орқали чет эллик инвесторларга сотишда молиявий ҳисобот шакллари халқаро амалиётда қабул қилинган тартибда ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун эса бухгалтерия ходимлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни асосий тамойиллари ва услубий асослари тўғрисида етарли даражада тушунча ва билимларга эга бўлишлари зарур.

Бухгалтерия ҳисоби акциядорлик жамиятлари маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракатини кўрсатади. У акциядорлик жамиятларнинг операциялари устидан ёппасига ва узлуксиз кузатиш олиб бориш, кузатиш натижасида олинган маълумотларни ўлчаш ва ҳужжатларда қайд қилиш ҳамда уларни ягона бир ўлчовда, яъни пулда ифодалаб умумлаштириш тизимидан иборатдир. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланаган ҳолда корхонанинг актив ва пассив операциялари режалаштирилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ушбу юқоридаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини

қўллаш жараёнини таҳлил қилиш ва уни амалиётга жорий этиш тизимини ўрганиш асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1) Энг аввало турли давлатларда ташкил этилган ҳисоб тизимини таҳлил қилиш натижасида жаҳон ҳамжамиятида қўлланилаётган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларига мослаштириш, айниқса компания ва фирмалар молиявий кўрсаткичларига баҳо беришда ва уларнинг халқаро миқёсда ҳаракат қилишида ва муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётга қўллашнинг ишчи режаси ва унинг кетмакетлик дастурини ишлаб чиқиш лозим.

2. Халқаро стандартлар бўйича сезиларли таъсир мавжуд бўлган чоғидаги (шуъба компанияларига оид) инвестициялар ҳисоби акциядорнинг хўжалик юритувчи субъект капиталидаги улуши ҳажмини ҳисобга олувчи усул бўйича амалга оширилганда қуйидаги ҳолатлар мустасно бўлиши лозим деб ўйлаймиз:

•агар капитал қўйилмалар фақат яқин келажакда, яъни кейинги навбатдаги сотилиши учун амалга оширилса ёки сақланса;

•инвестор сезиларли таъсиридан бошқа фойдаланмаганда;

•шуъба компания ўз фаолиятини қатъий чеклашлар шароитида амалга оширганида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос жиҳатлари вужудга келади.

Бухгалтерия ҳисобида қарзга оид қимматли қоғозларга инвестицияларнинг харид қилиш қиймати билан сўндириш қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт ёки харид қилиш чоғидаги мукофот) одатда инвестор томонидан қимматли қоғознинг харид қилиш вақтидан бошлаб сўндириш вақтигача ҳисобдан чиқарилади, яъни амортизация қилиниши тартиби белгиланган бўлиб уларни акс эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда жойлаштирилиши лозим бўлган ахборотларни молиявий ҳолат таҳлили учун қўлай бўлган тартибда жойлаштириш ва ҳисобот моддаларига мос ҳолда жойлаштиришда уларнинг ликвидлик даражасига эътибор қаратиш керак. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда моддаларни жойлаштиришда қуйидаги қоидага амал қилинади: баланс моддаларини жойлаштиришда

уларнинг ликвидлик даражаси ҳисобга олинади, яъни тез ликвидли активлардан қийин ликвидли активларга, худди шунингдек, қисқа муддатли мажбуриятлардан узоқ муддатли мажбуриятларга ўтиш тартибида жойлаштирилади. Шунда жорий активларни жорий мажбуриятлар билан солиштириш имконияти туғилади. Бу эса балансинг ликвидлигини аниқлашда ахборот фойдаланувчиларга қўлай имконият туғдиради. Бугунги кунда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳолатда янги таркибини (янги шаклини) ишлаб чиқишга зарурият бор.

4) Молиявий ҳисоботга бериладиган изоҳларда акс эттириладиган ахборотлар, уларнинг тавсифи ва акс эттириш тартиби бўйича халқаро амалиёт асосида уларни такомиллаштириш лозим.

#### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари: Дарслик /А.А.Каримов, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев, Н.М. Имамова - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 - 392 б.Б.34-36.
2. Трофимова Л.Б. *Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник*, Издательства "Юрайт" 2018., -242с. С.29-10.
3. Маматов Б. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш муаммолари.//“Soliq solish va buxgalteriya hisobi” журнали №11-сон, 2015 йил, 15б.
4. Қурбанов З.Н., Акрамов Ф.А.Асосий воситаларни МХҲС асосида юритиш.//“BIZNES-ЭКСПЕРТ” журнали № 4-сон, 22.05.2015 йил
5. [WWW.iasc.org.com](http://WWW.iasc.org.com) сайтидан олинган.
6. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонун(янги таҳрири). Мазкур таҳрир ЎЗР 13.04.2016 й.ЎРҚ-404-сон Қонуни билан тасдиқланган.
7. Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб юритиш ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури тўғрисида»ги 433-қарори.// *Норма уз дастури*.
8. *Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.* // *Норма уз дастури*.
9. БҲМС №21 *Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси*. Тошкент:Норма, 2015. 324б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”қарори. ПҚ-3832-сон. Тошкент ш. 2018 йил 3 июль.// *Lex.uz*
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 сон 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.//*Lex.uz/*
12. [www.diplomilirist.ru/.../accounting-in-the-unite](http://www.diplomilirist.ru/.../accounting-in-the-unite)-сайти маълумоти
13. [Allmsfo.ru/modeli-bux-ucheta.html](http://Allmsfo.ru/modeli-bux-ucheta.html)- сайти маълумоти